

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

Зиннура Жўраева

Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Республикамизда олиб борилаётган ислохотларда ёшларга эътибор ҳамда ёшлар маънавиятидаги ўзгаришлар, ёшлар маънавиятини ривожлантиришда оиланинг ўрни таҳлил этилади.

Калит сўзлар: ёшлар, маънавият, ёшлар маънавияти, ўзгаришлар, баркамол авлод, таълим, оила.

THE ROLE OF THE FAMILY IN THE DEVELOPMENT OF YOUTH SPIRITUALITY

ABSTRACT

This article analyzes the attention paid to youth in the ongoing reforms in the Republic, as well as changes in youth spirituality, the role of the family in the development of youth spirituality.

Keywords: youth, spirituality, youth spirituality, change, harmoniously developed generation, education, family.

КИРИШ

Маълумки, республикамизда Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб борилаётган ислохотларда ёшлар муаммоси, ёшлар маънавиятини ривожлантириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш каби масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, мамлакатимизда ёшларни маънавиятини ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва ижтимоий шарт шароитлар яратилаётганини таъкидлаш мумкин. Хусусан, “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси, Ёшлар клуби, Ёш тадбиркор, Темурбеклар мактаби, президент мактаблари, ижод мактаблари, Ёшлар кутубхонаси, Ёш китобхон кўрик танлови кабиларни ташкил этилиши ҳам ёшларнинг маънавиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон республикасида ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича беш муҳим ташаббусда илгари сурилгани, “Ўзбекистон ёшлари –

2025” концепциясини ишлаб чиқилиши мамлакатни ривожлантиришнинг устувор вазифаси сифатида белгиланган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ёшлар маънавияти ва уни ривожлантириш, ёшлар муаммоси, оилада баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш каби масалалар нафақат бугунги кунда балки олдинги даврларда ҳам эътибор берилганини таъкидлаш лозим.

Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хож Хожиб, Яссавий, Нақшбанд, Имом Бухорий, Хаким Термизий, Бурҳониддин ал Марғилоний, Низомул мулк, Алишер Навоий, Бобур, Мунис Хоразмий, Аҳмад Дониш, Бедил, Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат каби алломаларимиз баркамол авлод ва ёшлар тарбияси, оила, оилавий ҳаёт ва ёшлар маънавиятини ривожлантиришга оид қарашлари мавжуд.

Бугунги кунда ёшлар маънавияти, ёшларда мафқуравий иммунитетни шакллантириш, миллий маънавиятга таҳдидлар, ёшлар маънавий-ахлоқий тарбияси масаласига оид Э.Юсупов, Ж.Туленов, Б.Қосимов, С.Отамуродов, А.Очилдиев, Ш.Пахриддинов, Н.Сафарова, М.Қурононов, О.Тошбоев, У.Саидов, Б.Умаров, Р.Самаров, В.Қўчқоров, Н.Маманазаров, Қ.Эргашев, А.Эгамбердиев каби олимлар илмий тадқиқотларида учратиш мумкин. Жумладан, Қ.Эргашев ёшлар маънавий тарбияси масалаларини ёритиб берган бўлса, А.Эгамбердиев ёшларда инновацион онг шаклланишининг маънавий жиҳатларини илмий-фалсафий тадқиқ этган.

Шу билан бирга, М.Холматова, Х.Шайхова, И.Саифназаров, Ф.Саифназаровлар оиланинг ижтимоий институт сифатидаги аҳамиятини, О.Мусурмонова, Ф.Отажонов, К.Хамраевлар оилада бола тарбиясининг таълим сифатини аниқлашдаги ўрнини, А.Саидов, Э.Бобомуродов, А.Мунавваровлар оила аъзолари ҳуқуқларининг ҳимояси, уларнинг тенглигининг кафолати эканлигини очиқ берган.

НАТИЖАЛАР

Илмий адабиётларда ёшлар маънавиятига оид Қ.Эргашевнинг “Ёшларнинг маънавий тарбияси” номли рисоласида таъкидланишича, “ёшларга маънавият тарбиясини беришнинг бош мақсади уларда мустақил тафаккурни шакллантиришга қаратилиши”[5] керак.

М.Қуронов, А.Қодиров, Ш.Акрамова “Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш” номли монографиясида ёшларни маънан баркамол этиб тарбиялаш ва уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳамда ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш каби муаммолар таҳлили ёритиб берилган[6].

А.Абдусамедов, М.Хўжаев, Ж.Юсубов, Б.Жалилов, Б. Суюнов, М.Омонова, З.Азимова, Г.Алимова томонидан нашр этилган “Мустаҳкам оила маънавияти” монографиясида мустақиллик йилларида мамлакатимизда оилаларнинг маънавий, руҳий барқарорлигини мустаҳкамлаш, унинг ижтимоий функцияларини ошириш, имкониятларини кенгайтириш, айниқса оиланинг фарзандлар тарбиялашдаги нуфузини кенгайтириш борасида амалга оширилган ижобий ишлар ёритиб берилган [3].

К.У. Нажмидиновнинг “Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни» номли монографиясида оила тарбиясининг назарий-методологик асослари, оила ва оилавий тарбия ҳақидаги тарихий-фалсафий қарашлар ривож, ҳозирги даврда оила тарбиясини юксалтиришнинг устувор йўналишлари, оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг уйғунлиги таҳлил этилган [7].

МУҲОКАМА

Маълумки, маънавий баркамол инсон юксак даражадаги маънавиятга эга - фидойилик, жасорат, мардлик, ўз халқини севиш, Ватанни қадрлаш, аждодларидан фахрланиш каби олижаноб фазилатлари билан ажралиб туради. Шу сабабли, инсоннинг инсонлиги, биринчи навбатда унинг маънавий-ахлоқий жихатдан баркомоллиги, поклиги билан белгиланади. Албатта, маънавий-ахлоқий баркамолликнинг асосий қирраларига юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни киритиш мумкин: ота-онаси, фарзандлари, қариндошлари, хуллас бутун оила аъзолари, қўни-қўшнилари, маҳалла-қуйи, қишлоқдошлари ва бутун мамлакат халқ фаровонлиги ҳақида қайғуришдир.

Хўш ёшлар маънавиятини ривожлантиришда оиланинг аҳамияти қандай?

Албатта, жамиятимизда оилани мустаҳкамлаш, ёшларимизни ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, оилани жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари каби юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши сифатида доимий эътибор бериб келинапти. Чунки оила - кишилар ҳаётини энг муҳим қисми, жамиятнинг

кичик хужайраси, ижтимои-маданий организмдир. Шунингдек, инсон туғилгандан бошлаб оила муҳотида яшайди.

Оила муқаддаслиги, фарзанд тарбияси ҳақида “Қурони Карим”, “Хадис”ларда аجدодларимизнинг маънавий мероси ҳисобланган “Қобуснома”, “Шохнома”, “Темурнома”, “Бобурнома”, “Гулистон” каби дурдона асарларимизда тарбиянинг инсон шаклланишидаги муҳим омил эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилинади. Хаттоки марказлашган давлат асосчиси Амир Темур ҳам “мен фарзанд тарбиялашда давлат бошқаришдан кўра чуқурроқ донишмандлик кераклигига ишонч ҳосил қилдим” дея таъкидлайди. Абдулла Авлоний эса “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида “тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир” [1] дегани бежизга эмас.

Ёшлар маънавиятини шакллантиришда оиланинг аҳамияти каттадир. Чунки “оила – тарбия тизимидаги шундай бўғинки, бутун жамиятнинг, миллатнинг бугунги ва келажак ҳаёти уни қандай ташкил этилишига, ундаги мавжуд ижтимоий-маънавий муҳитга боғлиқ” [3, 3]. Шу сабабли ҳам фарзанд тарбиялаш учун албатта ота-онанинг ўзлари тарбияли, юксак маънавият фазилятлари шаклланган бўлиши керак.

Маълумки, оила ҳар бир жамиятнинг асос-негизи бўлиб, ёшларда инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ахлоқийлик, ватанпарварлик ва юксак туйғулар, аввало оила муҳотида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Шу сабабли немис педагоги Адолф Дистервег фикрлари ўринли, яъни “бола қалби тоза ёзув тахтасига ўхшайди. Унга нима ёзилган бўлса, шу унинг тақдирини яратади”. Демак боланинг ёзув тахтасига қандай ёзувларни ёзиш бу ота-онанинг вазифаси ҳисобланади.

Ёшлар маънавиятини ривожлантиришда оиладаги маънавият алоҳида ўрин тутади. Чунки “оила маънавияти – оиланинг тўлақонли, баркамол ривожланиши ва фаолият юритишини белгилаб берувчи, рухий, психологик ҳамда ғоявий омилларнинг бирлиги, оила аъзолари ички дунёсининг уйғунлиги”дир [3, 5]. Дарҳақиқат, оиладаги маънавий қарашлар яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби тушунчаларга асосланади. Шу билан бирга, оилада шахс маънавияти, унинг ахлоқий фазилятларига болалиқдан асос солинади, кейин тарбия ва маърифат тизимида ривожланади.

Айтиш керакки, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаб вояга етказишнинг энг асосий бўғини бу оиладир. Тўғри шаклланган инсон жамиятга

тўғри ва адолатли муносабатда бўлади, ўз миллатининг миллий кадриятларини ҳам эъзозлаб ўзлигини ҳеч қачон унутмайди. Агар акси бўлсачи, унда “агар ёмон хулқ одатга кириб қолса, у мижоз бузилишини келтириб чиқаради”[4, 88-89]. Шу сабабли инсонни “давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб, эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши, болалиқдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ”дир”[2, 55].

Абдулла Авлоний ҳам қарашларда “тарбия икки босқичдан – оила ва мактаб тарбиясидан ташкил топади. Оилада тўғри йўлга қўйилган тарбия мактаб учун катта мададир ва, аксинча, оилада тегишли тарбия ишлари олиб борилмаса, бу ҳол мактабнинг таълим тарбия ишини жуда қийинлаштириб қўяди» [1, 12] дея таъкидланади. Дарҳақиқат, ота-оналарнинг ўзаро дўстона муносабатлари, ўз фарзандларига ўрнак бўлишлари, уларни ўз вақтида кузатиб, назорат қилиб бориши, фарзандларининг хатти-ҳаракатларини тўғри, адолатли баҳолай олиш, ўз вақтида ўринли танбех бериш, фарзандлари учун, оила кутубхонасини ташкил этиш, оилавий китоб журналларни ўқиш, тарбиявий аҳамиятга мойил кўрсатувларни кўриш ва уни оилавий муҳокама қилиш, оила аъзолари билан бирга театр ва спектаклларга, тарихий қадамжоларга саёҳат учун бориш фарзандлар қалбида эзгулик уруғини куртак очишига жамият учун фойда келтирадиган инсонлар бўлиб етишишига ҳамда уларнинг маънавиятини ривожлантиришга сабаб бўлади.

Оилага хос анъаналар, кадриятлар, урф-одатлар боланинг келгуси ҳаётида намоён бўлади. Халқимиз таъбири билан айтганда, „Қуш уясида кўрганини қилади”. Шу нуқтаи назаридан айтиш мумкинки, соғлом муҳит, соғлом турмуш тарзи барқарор бўлган оилаларда тарбия топиб, ўсиб улғайган фарзандлар жамиятга фойда келтирадиган инсонлар бўлиб етишади.

ХУЛОСА

Умуман олганда, ўзбекларда оилавий тарбия анъаналари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, энг аввало, тарбия воситасида болаларга ота-оналарнинг ота-оналик, қон-қариндошлик хислатлари, миллий маънавий фазилятлар сингдирилади. Шу орқали бола ўз ота-оналарининг фарзандларига бўлган меҳр-муҳаббатини, оила ва жамият олдидаги бурч масъулиятини, бола тарбиясидаги тажрибаларини ўзлаштиради.

Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий кадриятларга хурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур. Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина ҳар қандай хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин

REFERENCES

1. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –Б. 12.
2. Фитрат А., Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 2000; Ойна. – Тошкент: Академия, 2001. –Б. 55.
3. Абдусамедов А., Хўжаев М., Юсубов Ж., Жалилов Б., Суюнов Б., Омонова М., Азимова З., Алимова Г. Мустақкам оила маънавияти. –Тошкент: “Савдо-стандарт”, 2012. – 160 б.
4. Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. –Б. 88–89.
5. Эргашев Қ. Ёшларнинг маънавий тарбияси. – Тошкент: «Маънавият», 1998. – 40 б.
6. Қурононов М., Қодиров А., Акрамова Ш. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш. – Тошкент: “Маънавият”, 2018. – 112 б.
7. Нажмидиновна К.У. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. – Т.: «Адолат», 2016. - 224 б.
8. Г. Гаффарова, А. Абдуллаев. (2021). АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic research in educational sciences. Special Issue 2.
9. G. Makhmudova, G. G‘affarova, G. Jalalova (2020). O‘zbekistonda islohatlar jarayonini tahlil etish va amalga oshirishning konseptual-falsafiy metodologiyasi. 176 b.
10. G.G. Gaffarova, (2020). Strategy of activity and systematical approach. nternational Journal of Psyshosial Rehabilitation. London, United Kingdom, 24, Issue-5, May. - 6645-6651.
11. Gafforova, G. G., Khaitmetov, R. K., & Madalimov, T. A. (2020). A STRATEGY OF ACTION AS A COMPLEX SYSTEM. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science, 90(10), 448-452.